# ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ИЗЧИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ЛОЗИМ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Сўнгги беш йилда суғурта хизматлари ҳажми 5 марта, лизинг операциялари деярли 6 марта, аудиторлик хизмати кўрсатиш, пул билан ҳисоблаганда, тахминан 9 марта ўсгани, табиийки, салмоқли натижа сифатида баҳолашга арзийди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар ва улардан кўзланган мақсадларнинг бажарилиши енгил саноатнинг жадал суръатда ривожланишида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Бу тармоқда 2005 йилда ўсиш суръати 2004 йилга нисбатан 12 фоизни ташкил этгани, шу жумладан тўқимачиликда 17 фоиз, тикувчиликда 24,5 фоиз, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 53 фоиз ўсиш кузатилди.

Замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган корхоналарнинг ишга туширилиши, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда янги ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил этилиши, жаҳон бозорига рақобатбардош тайёр енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмининг сезиларли даражада ортиб бораётгани – буларнинг барчаси мазкур жараённинг таркибий қисмларидир.

Энг муҳими, бундай ўзгаришлар натижасида янги иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли, айниқса хотин-қизлар иш билан таъминланмоқда.

2005 йилда четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 11,5 фоиз ўсгани юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизация қилишда эришилаётган ютуқларнинг муҳим натижасидир.

Айни пайтда умумий экспорт ҳажмида тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши 50 фоиздан ошди. Бу эса, ташқи савдо мустақиллик йилларида энг юқори кўрсаткич – 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдога эришиш имконини берди.

Натижада, мамлакатимизнинг олтинвалюта захираси 1,3 марта кўпайди, бу эса, аввало, иқтисодиётимизнинг ташқи бозор ўзгаришларига барқарорлиги ортиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон иқтисодиётида юз бераётган сифат ўзгаришларини баҳолаш учун шуни эслатиб ўтиш кифояки, 2000 йилда экспорт таркибида пахта толасининг ҳиссаси 27,5 фоиз бўлган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 19 фоизни ташкил этди.

Шу даврда импортнинг таркиби ҳам ўзгариб, мамлакатга олиб кирилаётган умумий маҳсулот ҳажмида техника ва ускуналар улуши 44 фоиздан ортди.

Иқтисодиёт тармоқларининг сифат жиҳатидан юксалиши кўп жиҳатдан инвестиция ҳажмидаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 20 фоиздан ошди.

Марказлаштирилган ҳолда маблағ билан таъминлаш ҳажми қисқараётган бир пайтда корхоналар ва аҳолининг хусусий маблағ-қўйилмалари кескин ошиб бормоқда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва тижорат банклари ресурслари фаол жалб этилмоқда. 2005 йилда номарказ инвестиция манбалари улуши 76,6 фоизни ташкил этди, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми эса қарийб 1,5 баравар кўпайди.

2005 йилда солиқ юкини камайтириш, солиқ-бюджет сиёсатини либераллаштириш ва унификация қилиш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ ва молия органлари масъулиятини кучайтиришдек аниқ мақсадларга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишга асосий эътибор берилди.

Ўтган йилда юридик шахслар даромадлари (фойда)дан олинадиган солиқ ставкаси 18 фоиздан 15 фоизга туширилди, бу эса қарийб 40 млрд. сўмлик маблағни корхоналар ихтиёрида қолдириш имконини берди. Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 31 фоизгача қисқартирилди, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими ўзгартирилди, мулк солиғи ставкаси эса 3,5 фоизгача камайтирилди.

Амалда жами 15,2 фоизни ташкил этган солиқ ва тўловлар ўрнига 13 фоиз миқдоридаги ягона солиқ тўловининг жорий этилиши тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда айниқса кичик корхоналар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ўз навбатида кичик корхоналарга фақат 2005 йилнинг иккинчи ярмида қарийб 10 млрд. маблағни тежаш имконини берди.

Солиқ юкини камайтириш борасида кўрилган чоралар туфайли давлат бюджетига тўпланаётган киримлар, яъни фискал чегирмалар 22,6 фоизгача қисқартирилди. Натижада, корхоналар ихтиёрида қолдирилган 130 млрд. сўмдан зиёд пул уларнинг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилди ва молиявий аҳволини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Нақд пул олишдаги чекловларнинг бекор қилиниши ва бу борадаги талабларга банклар томонидан қатъий риоя этилиши, нақд пул тушумининг ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши устидан назоратнинг кучайтирилиши банк-кредит тизимини либераллаштиришда муҳим қадам бўлди.

Тижорат банклари учун уларнинг Марказий банкдаги корреспондентлик ҳисобрақамларидан чекловсиз фойдаланиш имконияти яратилгани, шунингдек, нақд ва нақд бўлмаган пул айланмаларини унификация қилиш бўйича кўрилган кейинги чора-тадбирлар, нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг илғор шакли бўлган пластик карточкаларнинг амалиётда кенг жорий этилиши туфайли ўтган йилда бундай карточкаларнинг сони тахминан беш баравар ортгани муҳим аҳамиятга эга.

2005 йилда моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини либераллаштириш йўлида ҳал қилувчи қадам қўйилди. Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, тадбиркорларга аввало, кичик бизнес субъектларига асосий, шу жумладан, талаб катта бўлган моддий ресурслардан фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шаклланди.

Биржа савдоларидаги айланма маблағлар ҳажми 2001-2005 йиллар мобайнида 5,5 баравар ортди. Ҳозирги кунда улгуржи савдо айланмасининг учдан бир қисми биржа савдолари ҳиссасига тўғри келмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич атиги 8,5 фоиздан иборат бўлган эди.

Биржа савдоларида маҳсулот савдосидан энг кўп фойдани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари олмоқда. Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари товар-моддий ресурсларга бўлган ўз эҳтиёжининг қарийб 70 фоизини биржа савдоларида қилинаётган харидлар ҳисобидан таъминламоқда.

2005 йилда кичик бизнес объектлари 31,5 мингтага кўпайди ва уларнинг сони 310 мингтадан ортди.

Ҳозирги кунда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 38,2 фоизни ташкил этмоқда. Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада фаолият юритмоқда. Янги яратилаётган иш ўринларининг 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўтган йили қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тубдан ислоҳ қилиш ва биринчи галда қишлоқда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш масаласига катта эътибор берилди.

Мамлакатимиз фермер хўжаликларида бугунги кунда 1 млн.дан зиёд киши банд бўлиб, 2005 йили пахта хом ашёсининг 66 фоизи, ғалланинг 55 фоиздан ортиғи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди.

Иқтисодиётимиздаги сифат ўзгаришлари, бозор ислоҳотлари йўлидан илгари бориш ҳақида гапирар экан, Президент ислоҳотлар шунчаки ислоҳот учун амалга оширилмаётганлигини таъкидлади. Ислоҳотлар қандай самара бераётгани, улар одамларнинг ижтимоий аҳволига қандай таъсир кўрсатаётганини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

2005 йилда бюджет соҳаси хизматчиларининг ойлик иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоизга оширилди. Ўз навбатида, бу аҳолининг реал даромадларини 22 фоизга кўпайтириш учун асос бўлди.

2006 йилда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини, барқарор ва мутаносиб макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш масалалари доимий диққат марказида бўлмоғи даркор.

Бу аниқ мақсадли вазифани амалга ошириш учун 2006 йилда ялпи ички маҳсулотни 7,2 фоизга, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 6 фоизга кўпайтириш кўзда тутилмоқда. 2006 йилда иқтисодий ривожланиш, авваламбор, саноат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш (9 фоиз), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш (5,2 фоиз), хизмат кўрсатиш соҳаси (13,2 фоиз) ва савдонинг (8,5 фоиз) ўсиши ҳисобига таъминланади. Йил давомида инфляция даражасини чеклаш ва унинг 6-8 фоиз даражада бўлишини таъминлаш мўлжалланмоқда.

Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишда, биринчидан, бюджет ва солиқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш ҳамда солиқ юкини янада камайтириш мўлжалланмоқда.

Бу мақсадга эришиш учун 2006 йилда даромад солиғи ставкалари сезиларли даражада – 15 фоиздан 12 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 25 фоизгача камайтирилади. Қимматли қоғозлар бозорига қизиқишни орттириш ва унинг иштирокчилари даромадларини кўпайтириш мақсадида дивидендлар ва фоизлар бўйича даромад солиғи 15 фоиздан 10 фоизга туширилди.

Экология солиғи ва савдо қилиш ҳуқуқи учун ойлик йиғим бекор қилинди. Бундан ташқари, солиққа тортиладиган базадан ишлаб чиқариш билан боғлиқ қатор харажатлар чиқариб ташланди.

Бу соҳада кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, корхоналар ва хўжалик тузилмалари ихтиёрида қўшимча 250 млрд. сўм маблағ қолади. Бу маблағлар ишлаб чиқариш, инвестиция мақсадлари ҳамда ходимлар иш ҳақини оширишга йўналтирилиши тавсия қилинади.

Солиқ юкини сезиларли равишда енгиллаштириш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги энг муҳим вазифа – ишлаб чиқаришни фаоллаштиришнинг муҳим омили бўлмиш харид талабининг жадал ўсишини таъминлашдир.

2006 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақининг икки босқичда оширилиши кўзда тутилган.

Бунинг натижасида ўртача ойлик иш ҳақининг 1,4 маротаба ошиши таъминланади. Худди шундай миқдорда нафақа, пенсиялар, стипендия ва бошқа ижтимоий кўмаклар ҳам кўпаяди.

Кичик бизнес фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияни, шунингдек касаначиликни кенгайтириш аҳоли даромадларини ўсишида муҳим омил бўлади.

Буларнинг барчасини инобатга олганда аҳолининг реал пул даромадлари, ҳисоб-китоблар бўйича, камида 20 фоизга ўсиши керак.

Тадбиркорликнинг мана шу йўналишларини рағбатлантириш юзасидан аниқ чоралар кўриш, бунда микрокредитлаш ҳамда микролизинг механизмлари ва ҳажмини кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу мақсадлар учун хизмат қиладиган "микромолиялаш тўғрисида" қонун қабул қилишни тезлаштириш зарур.

Мазкур вазифани амалга оширишнинг механизми ва воситаси сифатида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган ихтисослашган банк ташкил қилиниши ва у кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлаш ва микролизинг бўйича турли хизмат кўрсатиши даркор. Бундай банкни ташкил қилишга жорий йилнинг биринчи чорагида киришиш лозим.

Бу борада ечилиши зарур бўлган энг муҳим масала – банкнинг устав фондини ташкил қилиш учун унинг манбаини топиш, кредит процентини беш фоиздан оширмаслик ва бериладиган кредитни қайтариш кафолатларини аниқлаш ва ишга солишдан иборат.

Харид талабини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун аҳолига, айниқса қишлоқ аҳолисига кредит ажратишни кескин кўпайтириш керак. Ҳозирги вақтда фақат енгил автомобил харид қилишни кредитлаш кенг қўлланмоқда, холос.

Айни пайтда, мебел, телевизор, холодильник, кир ювиш машиналари, мураккаб маиший ва бошқа электрон техникани сотиб олиш учун кредит ажратишнинг талай имкониятлари мавжуд.

Барча банкларнинг бу йўналишдаги фаолиятини кучайтириш лозим. Марказий банк тижорат банклари, савдо-саноат палатаси билан биргаликда, бир ой муддатда, аввало ўзимизда ишлаб чиқариладиган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун аҳолига кредит ажратиш ва олинган кредитларни қайтаришни кафолатлаш чора-тадбирлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш ҳақида топшириқ олди.

Бундай вазифаларни бажариш, иқтисодиётимизда мавжуд бўлган кўпгина муаммоларни ечиш учун банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш даркор.

Бугунги кунда банклар фаолияти хўжалик субъектлари, кичик бизнес, фермерлик ҳамда хусусий тадбиркорлик вакилларининг жиддий эътирозларига сабаб бўлаётганини очиқ тан олиш лозим.

Банк тизимида пул-кредит сиёсати мутаносиблигини таъминлашнинг замонавий воситалари, шунингдек бошқарув механизмларининг бозор ва монетар агрегатларидан суст фойдаланилмоқда.

Банкларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ресурс базасини аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини жалб қилиш ҳисобига кўпайтириш борасидаги вазифалар етарли даражада бажарилмаяпти.

Марказий банк ва тижорат банклари биринчи навбатда мижозларнинг депозит ҳисобварақларидаги нақд пулларининг ҳеч қандай қийинчиликсиз бемалол берилиши, нақд ва нақд бўлмаган пул муомаласини тўлиқ унификация қилиш ҳисобига аҳоли ва бизнес вакилларининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун барча куч ва имкониятларини сафарбар этмоғи зарур.

Бундан ташқари, пул айланмасини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бундан буён ҳам эътибор марказида бўлиши даркор.

Банклараро бозорда рақобат муҳитини яратиш, банк ва лизинг хизматлари сегментларини ривожлантириш, микрокредитлар ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш учун барча имкониятларни ишга солиш зарур.

Президент Ислом Каримов ўз маърузасида 2005 йилда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг яна бир қатор муҳим йўналишларида эришилган натижалар ҳамда 2006 йилда амалга оширилиши керак бўлган устувор вазифалар ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтди.

***ЎзА материаллари асосида тайёрланди.***

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИ
## (янги таҳрирда)

***(Давоми. Боши 5-6 сонларда).***

44817-Еврооблигацияларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар

44894-Бошқа қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар

**44900 Бошқа фоизли даромадлар**

44901-Бошқа фоизли даромадлар

**45200 Фоизсиз даромадлар**

45203-Норезидент банкларга кўрсатган хизматлари ва бошқа воситачилик учун олинган даромадлар

45205-Резидент банкларга кўрсатган хизматлари ва бошқа воситачилик учун олинган даромадлар

45209-Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган операциялар бўйича олинган даромадлар

45213-Қимматбаҳо металлар билан амалга оширган операциялари бўйича олинган даромадлар

45229-Овердрафт бўйича олинган даромадлар

45233-Кредитлар бўйича воситачилик даромадлари

45237-Кредит мажбуриятлари бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар

45249-Маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар

45253-Хорижий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар

45261-Кафолатлар ва кафилликлар бўйича операцияларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар

45294-Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар

**45400 Хорижий валюталардаги фойда**

45401-"Спот" битими бўйича хорижий валюталардаги фойда

45405-Ҳосилавий инструментлар билан тузилган битимлар бўйича хорижий валюталардаги фойда

**45700 - Қарам хўжалик жамиятларига ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар**

45701-Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан олинган фойда – Халқ банки

45705-Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан олинган фойда – Марказий банк тасарруфидаги корхоналар

45721-Шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар – Марказий банк тасарруфидаги корхоналар

**45800 Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар**

45803-Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда

45805-Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда

45809-Инвестиция қилинган хусусий капитал бўйича олинган дивидендлар

**45900 Бошқа фоизсиз даромадлар**

45901- Ижарага берилган асосий воситалардан олинган даромадлар

45909-Банк мулкларини сотишдан ёки алмаштиришдан олинган фойда

45917-Бошқа хусусий активларни сотиш ёки алмаштиришдан олинган фойда

45921-Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши

45994-Бошқа фоизсиз даромадлар

**50000 ХАРАЖАТЛАР**

**50400 Норезидент банкларнинг чет эл валютасидаги маблағлари бўйича фоизли харажатлар**

50402-Норезидент банкларнинг чет эл валютасидаги маблағлари бўйича фоизли харажатлар

**50500 Халқаро молиявий институтларнинг чет эл валютасидаги маблағлари бўйича фоизли харажатлар**

50502-Халқаро молиявий институтларнинг чет эл валютасидаги маблағлари бўйича фоизли харажатлар

**51000 Норезидентларнинг миллий валютадаги маблағлари бўйича фоизли харажатлар**

51002-Норезидентларнинг миллий валютадаги маблағлари бўйича фоизли харажатлар

**51200 Резидент банкларнинг маблағлари бўйича фоизли харажатлар**

51202-Резидент банкларнинг маблағлари бўйича фоизли харажатлар

**51700 Талаб қилиб олингунча депозитлар бўйича фоизли харажатлар**

51702-Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича фоизли харажатлар

51706-Маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича фоизли харажатлар

51708-Банк бўлмаган молиявий институтларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар

51795-Хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар

**51800 Жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар**

51802-Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар

51806-Маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар

51808-Банк бўлмаган молиявий институтларнинг жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар

51895-Хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг жамғарма депозитлар бўйича фоизли харажатлар

**51900 Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар**

51902-Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатлар

51906-Маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатлар

51908-Банк бўлмаган молиявий институтларнинг муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатлар

51995-Хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатлар

**52000 Олинган кредит, қарзлар (займлар) ва векселлар бўйича фоизли харажатлар**

52002-Ҳукуматдан олинган кредитлар ва сотилган векселлар бўйича фоизли харажатлар

52003-Ҳукуматдан олинган қарзлар (займлар) бўйича фоизли харажатлар

52004-Банклардан олинган кредитлар ва сотилган векселлар бўйича фоизли харажатлар

52005-Бошқа олинган кредитлар ва сотилган векселлар бўйича фоизли харажатлар

**52100 Чиқарилган облигациялар бўйича фоизли харажатлар**

52102-Марказий банкнинг облигациялари бўйича фоизли харажатлар

**54900 Бошқа фоизли харажатлар**

54902-Бошқа фоизли харажатлар

**55100 Фоизсиз харажатлар**

55102-Норезидент банклар томонидан кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун тўланган харажатлар

55104-Халқаро молиявий институтлар томонидан кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун тўланган харажатлар

55106-Резидент банклар томонидан кўрсатилган хизматлар ва бошқа воситачилик учун тўланган харажатлар

55110-Қимматли қоғозларнинг олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари

55114-Қимматбаҳо металлар билан амалга оширилган операциялар бўйича тўланган харажатлар

55122-Сотиб олинган векселлар бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари

55124-Инвестициялар бўйича кўрсатилган хизматлар ва бошқа воситачилик учун тўланган харажатлар

55130-Овердрафт бўйича харажатлар

55134-Кредитлар бўйича воситачилик харажатлари

55138-Кредит мажбуриятлари бўйича харажатлар

55150-Маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик харажатлари

55154-Хорижий тўловлар бўйича воситачилик харажатлари

55162-Кафолат ва кафиллик бўйича операцияларни амалга ошириш ва воситачилик харажатлар

55195-Бошқа хизматлар ва воситачилик харажатлари

**55300 Хорижий валюталарда кўрилган зарарлар**

55302-"Спот" битимлари бўйича хорижий валюталарда кўрилган зарарлар

55306-Ҳосилавий инструментлар билан тузилган битимлар бўйича хорижий валюталардаги кўрилган зарарлар

**55700 Қарам хўжалик жамиятларига ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициядан кўрилган зарарлар**

55702-Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан кўрилган зарарлар – Халқ банки

55706-Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан кўрилган зарарлар – Марказий банк тасарруфидаги корхоналар

55722-Шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан кўрилган зарарлар – Марказий банк тасарруфидаги корхоналар

**55800 Инвестициялардан кўрилган зарарлар**

55804-Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар

55806-Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларнинг сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар

**55900 Бошқа фоизсиз харажатлар**

55902-Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар

55906-Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар

55995-Бошқа фоизсиз харажатлар

**56000 Қоғоз пулларни босмадан чиқариш ва тангаларни зарб этиш харажатлари**

56002-Банкнотларни босмадан чиқариш харажатлари

56006-Тангаларни зарб этиш харажатлари

56026-Банкноталарни ташиш харажатлари

56028-Тангаларни ташиш харажатлари

56039-Миллий валютанинг ҳимоявий хоссалари ва дизайни бўйича илмий-тадқиқот ишларига харажатлар

**56100 Банк хизматчиларининг иш ҳақлари ва бошқа харажатлар**

56102-Иш ҳақи

56106-Банк хизматчилари учун имтиёзлар

56114-Ижтимоий суғурта бўйича бадаллар

56116-Ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш харажатлари

56122-Бандлик фонди ва бошқа фондлар учун бадаллар

56195-Банк ходимлари учун қилинган бошқа харажатлар

**56200 Ижара ва таъминот харажатлари**

56202-Тўланган ижара харажатлари

56206-Ичимлик ва иссиқлик сув, канализация ва бошқа коммунал харажатлар

56210-Электр ва иситиш харажатлари

56214-Банк балансидаги ва ижарадаги бино ва хоналарга техник хизмат кўрсатиш харажатлари

56215-Банк балансидаги ва ижарадаги асосий воситаларга, жиҳоз ва ускуналарга даврий техник хизмат кўрсатиш харажатлари

56216-Банк балансидаги ва ижарадаги бино ва хоналарни таъмирлаш харажатлари

56217-Банк балансидаги ва ижарадаги асосий воситалар, жиҳоз ва ускуналарни таъмирлаш харажатлари

56218-Банк биносини қўриқлаш харажатлари

**56300 Хизмат сафари ва транспорт харажатлари**

56302-Хизмат сафари харажатлари

56306-Хизмат сафари вақтидаги кунлик харажатлар

56310-Банк мулкини кўчириш билан боғлиқ бўлган (Фрахт) харажатлар

56314-Инкассация, автохизмат ва ёқилғи-мойлаш харажатлари

**56400 Маъмурий харажатлар**

56402-Реклама ва эълон харажатлари

56406-Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари

56410-Почта, телефон, факс бўйича харажатлар

56414-Ҳужжат маркалари учун харажатлар

56418-Китоб, журнал, газета ва бошқа нашриётлар бўйича харажатлар

56430-Қатъий назоратдаги ҳисобот бланклари учун харажатлар

**56500 Репрезентация ва хайрия**

56502-Репрезентация ва кўнгил очувчи тадбирлар харажатлари

56506-Аъзолик бадаллари

56510-Хайр-эҳсон ва хайрия харажатлари

**56600 Эскириш харажатлари**

56602-Банк биноси ва бошқа иморатларнинг эскириш суммаси

56610-Транспорт воситаларининг эскириш суммаси

56614-Мебел ва жиҳозларнинг эскириш суммаси

56616-Тўлов карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ускуналарининг эскириш суммаси

56618-Номоддий активларнинг эскириш суммаси

56622-Ижарага берилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси

56626-Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича эскириш суммаси

56630-Омбордаги асосий воситаларнинг эскириш суммаси

**56700 Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар**

56702-Юридик ва аудиторлик хизмати харажатлари
56706-Маслаҳатчи(консалтинг)лар хизмати учун тўлов харажатлари
56710-Суғурта харажатлари
56714-Солиқ(даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар
56718-Пеня ва жарималар харажатлари
56722-Суд жараёни/активни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар
56750-Марказий банк қошидаги ўқув муассасаларини сақлаш харажатлари
56752-Марказий банк тасарруфидаги бошқа корхоналарни сақлаш харажатлари
56795-Бошқа операцион харажатлар

**56800 Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш**

56802-Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56804-Қарзлар (займлар) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56806-Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56808-Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56810-Қимматбаҳо металлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56818-Сотиб олинган векселлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56822-Импорт билан боғлиқ ва маҳаллий вексел операциялари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56824-РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56826-Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестиция бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56828-Қарам хўжалик жамиятларига ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар бўйича зарарларни баҳолаш
56830-Асосий воситалар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56832-Номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56834-Банкнинг бошқа хусусий мулклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56840-Ҳисобланган фоизсиз даромадлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56842-Суд жараёнидаги кредит ва қарзлар (займлар) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш
56895-Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

**90000 КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР**

**90100 Валюта**

90101-Қоғоз пулларни босмадан чиқариш бўйича буюртмалар
90102-Тангаларни зарб этиш бўйича буюртмалар
90103-Муомалага чиқарилмаган нақд банкнотларнинг назорат ҳисобварағи
90110-Муомалага чиқарилмаган нақд тангаларнинг назорат хисобварағи
90117-ҲККМ захира фондидаги муомалага чиқарилмаган нақд банкнотлар
90124-ҲККМ захира фондидаги муомалага чиқарилмаган нақд тангалар
90127-ҲККМ захира фондидаги расмий эълон қилинмаган янги намуналардаги нақд банкнотлар
90129-ҲККМ захира фондидаги расмий эълон қилинмаган янги намуналардаги нақд тангалар
90131-Йўлдаги муомалага чиқарилмаган банкнотлар
90138-Йўлдаги муомалага чиқарилмаган тангалар
90145-Йўқ қилиш учун муомаладан қайтариб олинган банкнотлар ва тангалар
90149-Ҳудудий бош бошқармаларининг нақд пулни захира фондидан айланма кассага ўтказиш учун Марказий банкдан олган рухсатномалари

**90300 Қимматли қоғозлар бланкалари**

90303-Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари
90305-Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қимматли қоғозлари
90312-Марказий банкнинг қайта сотиш учун сотиб олинган қимматли қоғозлари
90317-Бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари

**90900 Савдога оид молиялашлар**

90908-Тўловчи томонидан ҲККМларда очилган қопланган аккредитивлар
90909-Тақдим этувчига тратталарни тўлаган ҳолдаги импорт билан боғлиқ тўланмаган аккредитивлар
90916-Муддатли тратталарга қарши қўйилган, импорт билан боғлиқ тўланмаган аккредитивлар
90923-Муддати узайтирилган хорижий аккредитивлар
90930-Муддати узайтирилган маҳаллий аккредитивлар
90937-Хорижий револьвер аккредитивлар
90944-Хорижий захира аккредитивлар
90951-Маҳаллий захира аккредитивлар
90955-Импорт билан боғлиқ тасдиқланган аккредитивлар
90958-Экспорт билан боғлиқ тасдиқланган аккредитивлар
90960-Хабар қилинган импорт билан боғлиқ аккредитивлар
90961-Хабар қилинган экспорт билан боғлиқ аккредитивлар
90962-Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари
90963-Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари
90965-Инкассога қабул қилинган маҳаллий (ички) векселлар
90969-Бартер шартномалари
90972-Инкассога қабул қилинган хорижий (ички) векселлар
90979-Инкассога жўнатилган маҳаллий (ташқи) векселлар
90986-Инкассога жўнатилган хорижий векселлар
90993-Кафолат ва кафилликлар

**91500 Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари**

91501-Берилган кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича ҳисобланган фоизлар
91503-Берилган кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича муддати узайтирилган фоизлар
91505-Бошқа активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари

**91800 Марказий банкнинг кредит ва қарз (займ) мажбуриятлари**

91809-Марказий банкнинг кредит ва қарз (займ) бериш мажбурияти
91816-Марказий банкнинг кредит ва қарз (займ) олиш мажбурияти

**91900 Қарздорларнинг кредит ва қарз (займ) мажбуриятлари**

91901-Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари
91905-Қарзлар (займлар) бўйича қарздорларнинг мажбуриятлари

**92700 Ҳосилавий инструментлар бўйича трансакциялари**

92701-Фьючерс битими бўйича сотиш
92705-Фьючерс битими бўйича сотиб олиш
92709-Форвард битими бўйича сотиш
92716-Форвард битими бўйича сотиб олиш
92724-Опцион битими бўйича сотиш
92728-Опцион битими бўйича сотиб олиш
92732-Своп шартларида сотиш
92736-Своп шартларида сотиб олиш

**92800 - Қимматли қоғозлар бўйича муддатли битимлар**

92802-Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар

92806-Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар

**93600 Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар**

93609-Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар

93616-Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари

93623-Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари

**94500 Гаров сифатида қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар**

94501-Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар

94502-Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар

94503-Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар

94504-Олинган кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар

**95400 Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари**

95409-Қарздорга билдирилган даъволар бўйича олинадиган маблағлар

95411-Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар

95413-Ҳисобдан чиқарилган кредитлар

95497-Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари

**96300 Кўзда тутилмаган ҳолатлар контр-ҳисобварағи**

96301-Банкнота ва тангаларни босмадан чиқариш (зарб этиш) бўйича буюртмалар контр-ҳисобварағи

96303-Накд банкнотлар ва тангаларнинг ҳаракати бўйича контр-ҳисобварақ

96305-Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ

96307-Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ

96308-Қопланган аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ

96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ

96312-Марказий банкнинг қайта сотиш учун сотиб олинган қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ

96315-Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ

96316-Экспорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ

96317-Бартер шартномалари бўйича контр-ҳисобварағи

96319-Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр- ҳисобварақ

96321-Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварақ

96323-Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ

96330-Инкассога жўнатилган (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ

96333-Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи

96335-Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари контр-ҳисобварағи

96337-Кафолат ва кафилликлар бўйича контр-ҳисобварақ

96345-Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи

96349-Қарздорларнинг қарзлар (займлар) бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи

96351-Марказий банкнинг кредит ва қарз (займ) бериш мажбурияти контр-ҳисобварағи

96358-Марказий банкнинг кредит ва қарз (займ) олиш мажбурияти контр-ҳисобварағи

96361-Фьючерс битими бўйича сотиш контр-ҳисобварағи

96363-Фьючерс битими бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи

96365-Форвард битими бўйича сотиш контр-ҳисобварағи

96367-Форвард битими бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи

96369-Опцион битими бўйича сотиш контр-ҳисобварағи

96370-Опцион битими бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи

96371-Своп шартлари билан сотиш контр-ҳисобварағи

96373-Своп шартлари билан сотиб олиш контр-ҳисобварағи

96374-Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр- ҳисобварағи

96376-Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи

96379-Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ

96381-Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварақ

96397-Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ

## III. Ҳисобварақларнинг таърифи

## 10000 АКТИВЛАР

## 10100 КАССАДАГИ НАКД ПУЛ ВА БОШҚА ТЎЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

**10101-Айланма кассадаги накд пуллар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари Ҳисоб-китоб касса марказлари айланма кассаларидаги банкнот ва танга кўринишидаги накд пул маблағларининг ҳаракати ва ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** айланма кассага мижозлар томонидан топширилган, ҲККМ захира фондидан ўрнатилган тартибда ўтказилган, Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларидан ва бошқа тижорат банкларидан олинган накд пулларнинг ҳамда банк айланма кассасига кирим қилинган бошқа накд пулларнинг суммалари акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** айланма кассадан чиқим қилинган накд пулларнинг суммаси акс эттирилади..

**Аналитик ҳисоб** валюталар тури бўйича банкнот ва танга пуллар алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади

**10105-Чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** Банк операцион кунидан кейин қабул қилинадиган ва кейинги кун ижро қилинадиган накд пул чеклари ва бошқа тўлов ҳужжатларининг ҳисоби юритилади.

***(Давоми бор).***

# НАВБАТ – АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИГА

***Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда республика Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги ҳамкорлигида 2006 йил 3 февралда бошланган чет эллик инвесторлар иштирокидаги анжуман шу йилнинг май ойигача давом этиши кўзда тутилган.***

Тадбирни ўтказишдан мақсад хорижий ҳамкорларни мамлакатимизнинг инвестиция соҳасидаги имкониятлари билан таништириш ҳамда республикамиздаги қўшма корхоналар фаолиятига оид муҳим масалаларни муҳокама қилишдан иборат.

Иқтисодиётимизнинг устувор соҳаларидаги инвестиция лойиҳаларини намойиш этишга йўналтирилган мазкур анжуман турли кўринишларда, жумладан, давра суҳбати, видеоконференция ҳамда соҳа мутахассисларининг маърузалари тарзида ўтмоқда.

Автомобилсозлик саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг энг навқирон соҳаларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбариятининг эътибори туфайли қисқа давр ичида жуда катта ютуқларни қўлга киритган мазкур соҳа бугунги кунда миллий иқтисодиётимиз ривожланишининг энг қудратли улови ҳисобланади. Шу боис анжуманнинг навбатдаги босқичи машинасозлик ва автомобил саноатларининг инвестицион салоҳиятини намойиш этиш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари тақдимотига бағишланди. «ЎзДЭУавто» корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар ва мамлакатимизни юк машиналари ва автобуслар билан таъминлаб келаётган «СамКочавто» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси фаолияти хорижий инвесторлар орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистондаги автомобилсозлик корхоналари учун эҳтиёт қисмлар ва бутловчи деталлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналарнинг ишга туширилиши эса ривож топаётган давлатимиз учун алоҳида аҳамиятли. - Мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқараётган корхоналар доим бизнинг эътиборимизда. Улардан моддий ёрдамимизни аямаймиз, ўз фаолиятини кенгайтиришга мунтазам кўмакдошмиз, - дейди «Ўзавтосаноат» АК бошлиғи ўринбосари А.Ҳаққулов.

Шунга биноан, изчил ривожланаётган автомобилсозлик саноати хорижлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли иш юритиш учун улкан имкониятларга эга бўлиб келмоқда.

Конференция давомида иштирокчилар машинасозлик соҳаси имкониятлари билан ҳам танишдилар. Жумладан, улар йирик машинасозлик корхоналари - «Ўзқишхўжмашхолдинг» ХК ва Тошкент трактор заводининг инвестиция имкониятлари тўғрисида маълумотларга эга бўлишди.

Анжуман сўнггида қатнашчилар тўғридан-тўғри Корея, Россия, Германия, Ҳиндистон ва Туркия давлатлари билан алоқа ўрнатиб, хориждаги сармоядорларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

***Гулшан ЮСУПОВА.***

# РОССИЯ БОЗОРИ ЎЗБЕК ЭМИТЕНТЛАРИГА ЭШИК ОЧМОҚДА

***Ўзбекистон ва Россия фонд бозори институтлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши иккала мамлакатда қулай инвестиция муҳити шаклланишига ва улар иқтисодиётига инвестиция ресурсларини жалб этишга ёрдам беради, - деди Ўзбекистон Давлат мулки қўмитаси (ДМҚ) раиси Маҳмуджон Асқаров Тошкентда ўтказилган "Қимматли қоғозлар ликвидлигини ошириш муаммолари ҳамда уларни чет эл фонд биржаларида жойлаштириш" мавзуидаги халқаро семинарда.***

Семинарни ДМҚ, Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда "Тошкент" Республика фонд биржаси ташкил этди.

"Беш йил ичида давлат уч мингдан ортиқ акциядорлик жамиятидан чиқди, бир туркум ҳукумат ҳужжатлари ва қонун ҳужжатлари ҳозирги кунда шу корхоналарга мулк шаклини танлаб олиш, хусусан, бутунлай хусусий секторга ўтиш имконини берди", - деди М. Асқаров.

- Шу билан бирга ДМҚ маълумотларига кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистон корхоналарининг 2,8 трлн. сўм миқдоридаги умумий эмиссиясининг 2,3 трлн. сўми давлатга қарашли бўлиб, фақат тахминан 160 млрд. сўмгина инвесторлар ўртасида жойлаштирилган.

М. Асқаров 2005 йил декабр ойи охирида Ўзбекистон делегациясининг Москвага ташрифи чоғида Ўзбекистон ва Россия фонд бозорини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорини бошқарувчи ваколатли давлат органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинганлигини эслатиб ўтди.

Хусусан, ташриф чоғида Москва банклараро валюта биржаси (МБВБ), МБВБ Фонд биржаси ва "Тошкент" РФБ биржа савдосининг илғор технологияларидан фойдаланиб интеграциялашган маконни вужудга келтириш мақсадида ҳамкорлик қилиш ҳақида меморандум имзолади.

"МБВБ Фонд биржаси" ЁАЖ бош директорининг ўринбосари Геннадий Марголиц семинарда таъкидлаганидек, ушбу меморандум давлатларнинг ўз молиявий воситаларини бир-бирларининг савдо майдончаларида муомалага киритиш юзасидан келишилган ҳаракатларни йўлга қўйиш имконини беради.

Унинг айтишича, "Тошкент" РФБ билан меморандум имзоланиши МБВБнинг Ҳамдўстлик доирасида интеграциялашган биржа маконини шакллантириш учун МДҲ мамлакатлари биржалари билан ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш дастурига тўла-тўкис мос келади. Бу иш МДҲ мамлакатлари биржалари Халқаро ассоциацияси ҳомийлигида амалга оширилмоқда. Ассоциацияга 19 та биржа, шу жумладан МБВБ ва "Тошкент" РФБ ҳам киради.

Меморандум қоидаларини тезроқ амалга ошириш учун иккала биржанинг етакчи мутахассислари иштирокида ишчи гуруҳлари тузишга қарор қилинди.

Ишчи гуруҳларининг фаолияти операцияларни амалга оширишни юридик жиҳатдан бирхиллаштиришга ёрдам бериш мақсадида молия бозорларидаги операцияларни тартибга солиш соҳасидаги РФ ва Ўзбекистоннинг меъёрий базасини қиёсий таҳлил қилиш, биржада ҳосила қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситалар билан савдо қилишдан фойдаланиш соҳасида тажриба алмашиш; ўзбекистонлик эмитентларнинг "Тошкент" РФБ расмий биржа листингига киритилган қимматли қоғозларини МБВБ ФБ расмий биржа листингига киритиш имкониятларини ўрганишга қаратилади.

# ҲАМКОРЛИК ҲАҚИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

***Миллий товар биржаси (МТБ, Россия) билан Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси (ЎзРТХБ) биржа инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик ва биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида меморандум имзоладилар, - деб хабар қилинади МТБнинг пресс-релизида.***

Ҳамкорлик ҳақидаги меморандумни МТБ томонидан унинг директори Сергей Наумов, ЎзРТХБ томонидан – биржа бошқаруви раиси Тоҳир Тўхтабоев имзоладилар.

Меморандумга мувофиқ, Миллий товар биржаси билан Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси биржа савдоларининг ҳолати тўғрисида, шу жумладан, биржа савдоларининг бориши ҳақида ахборот бериш, биржа товар бозорида айрим лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш ҳақида, дастурий-техникавий воситаларни бериш йўли билан ёрдамлашиш, товар бозорида биржа савдосини ташкил этиш, шунингдек савдода илғор технологиялардан, хусусан Интернетдан фойдаланиш соҳасида тажриба алмашишга келишиб олдилар.

С. Наумов ва Т. Тўхтабоев биржалар ўртасида меморандум доирасида ҳамкорликнинг ривожланиши Россия билан Ўзбекистон товар бозорларининг инфратузилмаси янада самарали ривожланишига ёрдам беради, деб ишонч билдиришди. Бу эса икки мамлакат ўртасида товар айланмасининг кўпайишига ҳамда савдо-иқтисодий алоқалар мустаҳкамланишига олиб келади.

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР БОЗОРИДА ЯНГИ БИТИМ ТУЗИЛДИ

***"ВымпелКом" ОАЖ 200 млн. АҚШ доллари, яна 7,7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қарзлар бўйича мажбуриятлар эвазига (пул маблағларини чегириб ташлаганда) "UNITEL" МЧЖни сотиб олди. "ВымпелКОМ" компаниялар гуруҳи Россия, Қозоғистон, Украина ва Тожикистонда хизмат кўрсатмоқда. Компания акциялари Нью-Йорк фонд биржаси листингига киритилган.***

Компаниянинг МДҲ мамлакатларида бизнесни ривожлантириш бўйича вице-президенти С. Авдеев матбуот анжуманида хабар қилганидек, компаниянинг бозордаги капиталлашуви 2006 йил 3 феврал ҳолатига 9,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Россиянинг уяли алоқалар хизмати бозорида "ВымпелКом" ОАЖ "Билайн" бренди билан иш олиб бормоқда. "Билайн" ушбу бозорда 34,3 фоиз улушга эга бўлиб, Interbrand Group рейтингида биринчи ўринда туради. Мутахассислар брендининг ўзини 5 млрд. АҚШ доллари миқдорида баҳолашмоқда.

Қозоғистон бозорида компаниянинг улуши 2006 йил бошида 31 фоизни, абонентлари сони эса 4,65 млн. кишини ташкил қилди.

Ўзбекистонда "UNITEL" тармоғи мамлакатнинг деярли бутун ҳудудини қамраб олган, бозордаги улуши 31 фоизни, абонентлари сони 1,15 млн. кишини ташкил этади. "UNITEL" МЧЖнинг янги тайинланган бош директори У. Рубан сўзларига қараганда, "ВымпелКом"нинг Ўзбекистондаги стратегияси GSM тармоғини бундан буён ҳам қуриш ва модернизациялашга, "ВымпелКом" бизнес жараёнларини жорий этишга, шунингдек, жозибали хизматлар пакетига эга бўлган "Билайн" брендини ишга солишга қаратилган. Компанияни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари орасида етакчи бўлишга интилиш билан бир қаторда "жозибали иш берувчига айланиш" ҳам назарда тутилган.

***Галина ЗАРЕЦКАЯ.***

# ДЕПОЗИТАР ЯЧЕЙКАЛАР БИРЛАШТИРИЛАДИ

***Миллий депозитарий маркази (МДМ) билан Ўзбекистон Республикасининг Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳамкорлик ҳақида меморандум имзолади.***

МДМ томонидан ҳужжатни ташкилот директори Николай Егоров, Ўзбекистон Марказий депозитарийси томонидан бош директор вазифасини бажарувчи Александр Смолин имзоладилар.

Ҳужжатга мувофиқ, томонлар қимматли қоғозлар бўйича самарали чегаралараро ҳисоб-китоблар тизимини яратиш мақсадини кўзламоқдалар, Россия ва Ўзбекистоннинг фонд бозорларини интеграциялаш истиқболларига амал қилмоқдалар.

Н. Егоров меморандумни имзолаш маросимида айтиб ўтганидек, россиялик инвесторлар Ўзбекистоннинг қимматли қоғозларини сотиб олишга қизиқиш билдирмоқдалар ва депозитарий хизматларини ҳамда чегаралараро ҳисоб-китобларни ташкил этишга эҳтиёж сезмоқдалар.

Томонлар биринчи навбатда ҳал қилишни мўлжаллаётган вазифалар орасида МБВБда ўзбекистонлик эмитентларнинг қимматли қоғозлари листингини ва муомаласини, МБВБ ва "Тошкент" Республика фонд биржасида акцияларни биргаликда бирламчи жойлаштиришни таъминлаш учун депозитарий технологияларини тайёрлаш, депозитарийлар ўртасида вакиллик муносабатларини ўрнатишга тайёргарлик кўриш, товар биржаларида савдоларни таъминлаш учун депозитарий технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш, электрон ҳужжатларни айлантириш бўйича қўшимча технологияни ишлаб чиқиш ва қонунчилик базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш масалалари бор.

***"Туркистон-пресс" НАА.***

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ–ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан қўллаб-қувватлаш "Заковат" ижтимоий жамғармаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов (Таҳрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров (Таҳрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов (Таҳрир Кенгашининг масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдураҳмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:

ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА, «Иқтисодиёт ахборот агентлиги», «Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун 137-23-71 телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 700000, Тошкент, Пушкин кўчаси, 59-уй.

e-mail: bankingnews@tshtt.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари таҳририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Таҳририятнинг ёзма розилиги бўлгандагина, "БА"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.

Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓣ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-403

Тираж 8415 нусха.

Босишга рухсат этилди 14.02.2006 й.

Газета таҳририят ускуналарида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди 15.02.2006. й. 9.00. 1 2 3 4 6

# «ЎЗДЭУБАНК»
## ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

*Рўйхатга олиш рақами: ЎзРМБнинг 01.03.1997 йилдаги 5-сонли лицензияси.*
*Манзил: Тошкент ш., Пушкин кўч., 1.*

### БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ
*2005 йил 31 декабр ҳолатига (минг ўзбек сўмида)*

| | 2005 | 2004 |
|---|---|---|
| | 31 декабр | 39082 |
| АКТИВЛАР | | |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 11 681 072 | 2 767 118 |
| ЎзР Марказий банки ҳисобварақларидаги мажбурий захиралар | 2 530 950 | 968 877 |
| Бошқа банклардаги маблағлар | 22 770 484 | 31 332 196 |
| Мижозларга берилган кредитлар ва бўнаклар | 17 466 458 | 6 551 009 |
| Сўндирилгунча ушлаб туриладиган инвестициявий қимматли қоғозлар | 2 526 636 | 2 587 423 |
| Асосий воситалар | 186 796 | 207 871 |
| Кечиктирилган солиқ активи | 118 612 | 123 272 |
| Бошқа активлар | 933 080 | 2 097 968 |
| Жами активлар | 58 214 088 | 46 635 734 |
| МАЖБУРИЯТЛАР | | |
| Бошқа банкларнинг маблағлари | 525 942 | 2 322 |
| Мижозларнинг маблағлари | 43 428 661 | 34 339 847 |
| Бошқа мажбуриятлар | 931 856 | 302 319 |
| Жами мажбуриятлар | 44 886 459 | 34 644 488 |
| ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ | | |
| Устав сармояси | 1 952 785 | 1 952 785 |
| Тақсимланмаган фойда ва бошқа захиралар | 11 374 844 | 10 038 461 |
| Жами ўз маблағлари | 13 327 629 | 11 991 246 |
| Жами мажбуриятлар ва ўз маблағлари | 58 214 088 | 46 635 734 |

### ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ
*2005 йил 31 декабр ҳолатига (минг ўзбек сўмида)*

| | 2005 | 2004 |
|---|---|---|
| Фоиз даромадлари | 4 178 469 | 3 055 418 |
| Фоиз харажатлари | (1 500 604) | (928 115) |
| Соф фоиз даромадлари | 2 677 865 | 2 127 303 |
| Кредит портфелини таъминлаш учун захира | (646 256) | (35 536) |
| Кредит портфелини таъминлаш учун захира яратилганидан кейинги соф фоиз даромадлари | 2 031 609 | 2 091 767 |
| Воситачилик даромадлари | 2 485 028 | 1 890 432 |
| Воситачилик харажатлари | (269 625) | (225 404) |
| Чет эл валютасини қайта баҳолашдан олинган соф даромадлар | 1 288 304 | 896 528 |
| Чет эл валютаси билан операциялар бўйича соф даромадлар | 59 302 | 23 236 |
| Сўндирилгунча ушлаб туриладиган инвестициявий қимматли қоғозларнинг қадрсизланиши | (133 372) | (139 148) |
| Бошқа даромадлар | 62 160 | 262 279 |
| Операция даромадлари | 5 523 406 | 4 799 690 |
| Маъмурий ва бошқа операция даромадлари | (1 770 072) | (1 649 798) |
| Монетар моддалар бўйича соф зарар | (988 823) | (396 804) |
| Солиққа тортилишдан олдинги фойда | 2 764 511 | 2 753 088 |
| Фойда солиғи бўйича харажатлар | (518 759) | (596 327) |
| Йиллик фойда | 2 245 752 | 2 156 761 |

### ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ
*2005 йил 31 декабр ҳолатига (минг ўзбек сўмида)*

| | 2005 | 2004 |
|---|---|---|
| Операция фаолиятидан келган пул маблағлари | | |
| Олинган фоизлар | 3 959 598 | 3 021 046 |
| Тўланган фоизлар | (1 603 960) | (676 464) |
| Олинган воситачилик ҳақлари | 2 485 028 | 1 890 432 |
| Тўланган воситачилик ҳақлари | (269 625) | (225 404) |
| Чет эл валютаси билан қилинган операциялар бўйича зарарлар чегириб ташлаганидан кейинги амалга ошган даромадлар | 1 116 696 | 793 581 |
| Олинган бошқа операция даромадлари | 62 160 | 186 735 |
| Ходимларни сақлаб туриш учун тўланган харажатлар | (510 244) | (494 217) |
| Тўланган маъмурий ва бошқа операция харажатлари | (1 279 726) | (1 062 967) |
| Тўланган фойда солиғи | (514 099) | (595 874) |
| Операция активлари ва мажбуриятларидаги ўзгаришлардан олдинги операция фаолиятидан олинган пул маблағлари | 3 445 828 | 2 836 868 |
| Операция активлари ва мажбуриятларидаги ўзгаришлар | | |
| ЎзР МБдаги мажбурий захиралар бўйича соф ўсиш | (1 695 159) | (102 798) |
| Бошқа банклардаги маблағлар бўйича соф пасайиш | 6 697 242 | 6 041 522 |
| Мижозларга берилган кредитлар ва бўнаклар бўйича соф (ўсиш)/пасайиш | (12 438 345) | 1 052 601 |
| Бошқа активлар бўйича соф пасайиш/(ўсиш) | 1 053 145 | (1 642 023) |
| Бошқа банкларнинг маблағлари бўйича соф ўсиш | 544 110 | 2 322 |
| Мижозларнинг маблағлари бўйича соф ўсиш/(пасайиш) | 12 117 651 | (2 175 990) |
| Бошқа мажбуриятлар бўйича соф ўсиш/(пасайиш) | 676 578 | (633 860) |
| Операция фаолиятидан олинган соф пул маблағлари | 10 401 050 | 5 378 642 |
| Инвестиция фаолиятидан тушган пул маблағлари | | |
| Асосий воситаларни сотиб олиш | (77 975) | (70 127) |
| Асосий воситаларни сотишдан келган тушум | 3 211 | 1 647 |
| Сўндирилгунча ушлаб турилган инвестициявий қимматли қоғозларни сотиб олиш | (623 280) | (2 595 933) |
| Сўндирилгунча ушлаб туриладиган инвестиция қимматли қоғозларини сўндиришдан келган тушум | 369 898 | - |
| Инвестиция фаолиятида фойдаланилган соф пул маблағлари | (328 146) | (2 664 413) |
| Молиявий фаолиятдан келган пул маблағлари | | |
| Тўланган дивидендлар | (909 369) | (961 097) |
| Молиявий фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари | (909 369) | (961 097) |
| Инфляциянинг пул маблағлари ва улар эквивалентларига таъсири | (553 848) | (419 400) |
| Валюта алмаштириш курслари ўзгаришининг пул маблағлари ва улар эквивалентларига таъсири | 304 267 | 132 188 |
| Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф ўсиши | 8 913 954 | 1 465 920 |
| Йил бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 2 767 118 | 1 301 198 |
| Йил охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 11 681 072 | 2 767 118 |

### ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ
*2005 йил 31 декабр ҳолатига (минг ўзбек сўмида)*

| | Устав сармояси | Тақсимланмаган фойда ва бошқа захиралар | Жами ўз маблағлари |
|---|---|---|---|
| 2004 йил 1 январ ҳолатига қолдиқ | 1 952 785 | 8 842 797 | 10 795 582 |
| Соф фойда | - | 2 156 761 | 2 156 761 |
| Тўланган дивидендлар | - | (961 097) | (961 097) |
| 2004 йил 31 декабр ҳолатига қолдиқ | 1 952 785 | 10 038 461 | 11 991 246 |
| Соф фойда | - | 2 245 752 | 2 245 752 |
| Тўланган дивидендлар | - | (909 369) | (909 369) |
| 2005 йил 31 декабр ҳолатига қолдиқ | 1 952 785 | 11 374 844 | 13 327 629 |

*Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги "Pricewaterhouse-Coopers" аудиторлик компанияси томонидан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 27 декабрдаги 9-рақамли лицензияси) ва барча муҳим жиҳатлари бўйича Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.*
*Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот 2005 йил 31 декабр ҳолатига банк ҳисоботининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.*

# ЎзРТХБНИНГ ЯНГИ САВДО МАЙДОНЧАЛАРИ

Яқинда яна 4 та ташкилот Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржасининг минтақавий савдо майдончаси мақомини олди. Янги савдо майдончалари Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида, Андижон вилоятининг Избоскан туманида, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон ва Фурқат туманларида ташкил этилди.

Ҳозир ЎзРТХБда ҳаммаси бўлиб 159 та савдо майдончаси аккредитация қилинди.

Биржанинг ишлаб турган савдо майдончалари сони жиҳатидан Тошкент (22 та майдонча), Андижон (21) ва Фарғона (21) вилоятлари пешқадам бўлиб турибди. Бу масалада Жиззах ва Сирдарё вилоятлари пешқадамлардан анча орқада қолмоқда. Улар ҳиссасига ҳаммаси бўлиб 5 та савдо майдончаси тўғри келади.

# САВДО СИЁСАТИ ВА ЖСТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказида 2006 йил 27 мартдан 7 апрелгача Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун халқаро семинар-тренинг бўлиб ўтди. У республикамиз учун ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган масалалардан бири – "Савдо сиёсати ва ЖСТга аъзо бўлиш" мавзуига бағишланди. Семинар Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) билан Жаҳон банки институти (ЖБИ) томонидан ташкил этилди. Семинарда кўпгина мамлакатларнинг, хусусан Афғонистон, Арманистон, Грузия, Украина, Озарбайжон, Эрон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирликларининг вакиллари, ЖСТ бўйича экспертлари қатнашди. Семинарда қуйидаги масалалар кўриб чиқилди: савдонинг қиёсий афзалликлари ва фойдаси; тарифлар, квоталар, экспорт солиқлари ва субсидиялар; Чилида иқтисодий ўтиш даврида савдони эркинлаштириш; Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши ҳамда макроиқтисодий ислоҳотлар.

Семинарда ЖСТга аъзо бўлган мамлакатларнинг вакиллари сўзга чиқиб, тажриба алмашдилар. Бизнинг мамлакатимиздан ИИТМ илмий тадқиқотчилари ўз маърузалари билан қатнашдилар. Жумладан С. Чепел "Ўзбекистон ЖСТга қўшилишининг турли муқобил стратегияларининг макроиқтисодий оқибатларини баҳолаш" мавзуида маъруза қилди, шунингдек, Ф. Жўрахонов "Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши ва бунинг озиқ-овқат товарлари секторига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири" мавзуида тақдимот ўтказди.

Семинарнинг ўтказилиши ЖСТга аъзо бўлиш муаммолари борасида тажриба алмашишга ҳамда ўзбекистонлик экспертларнинг мазкур масаладан хабардорлик даражасини оширишга ёрдам беради. Бундай халқаро семинар ва конференциялар маҳаллий иқтисодчиларнинг малака оширишига ҳамда тажриба алмашишига катта таъсир кўрсатади.

***Галина ЗАРЕЦКАЯ тайёрлади.***

# КОТИРОВКАЛАР АНЧА ОШДИ

***Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржасининг (ЎзРТХБ) ахборот-таҳлил бўлимидан хабар қилишларича, 2006 йил январ-март ойларида ЎзРТХБ савдоларида ёнилғи-мойлаш материалларини (ЁММ) сотиш 2004 йилнинг шу давридагига нисбатан 31,8 фоиз ўсиб, 56,845 млрд. сўмликни ташкил этди.***

Хусусан, жорий йилнинг уч ойи ичида савдога 156,3 минг тонна ЁММ қўйилиб, шунинг 143,6 минг тоннаси (91,8 фоизи) сотилди. 2004 йилнинг шу даврида 161,3 минг тонна маҳсулот савдога қўйилиб, 157,8 минг тоннаси (97,8 фоизи) сотилган эди.

Биржада энг катта сотиш ҳажмлари юридик шахсларга мўлжалланган дизел ёнилғисига (39,9 фоиз) тўғри келди. Ушбу ёнилғи тури бўйича котировкалар уч ойда 19,3 фоиз ўсиб, 2006 йил 1 апрел ҳолатига 402,4 минг сўмни ташкил этди.

АИ-76 бензинининг котировкалари юридик шахслар учун 0,22 фоиз пасайиб, бир тоннаси учун 514,8 минг сўмни, қишлоқ хўжалик корхоналари учун 0,15 фоиз ошиб, 514,8 минг сўмни, АИ-80 бензинининг котировкалари юридик шахслар учун 0,18 фоиз пасайиб, тоннасига 553 минг сўмни, қишлоқ хўжалик корхоналари учун 0,55 фоиз кўтарилиб, 535,4 минг сўмни, АИ-91 бензинининг котировкалари тегишлича 0,40 фоиз кўтарилиб, 594 минг сўмни, қишлоқ хўжалик корхоналари учун дизел ёнилғиси 19,7 фоиз кўтарилиб, 403 минг сўмни, ёқиладиган мазут – 2,3 фоиз кўтарилиб, 100,7 минг сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистонда нефт маҳсулотлари биржадаги электрон савдоларда реал вақт режимида 2004 йилдан бери сотиб келинмоқда. Улар "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси брокерлари томонидан сотишга қўйилмоқда.

Ўтган йили ЎзРТХБда ЁММ сотиш 2004 йилга нисбатан қиймат ҳисобида 51,7 фоиз кўпайиб, 189,4 мрд. сўмликни, натурал ифодасида 19,3 фоиз кўпайиб, 657,6 минг тоннани ташкил қилди.

Ўзбекистон Статистика давлат қўмитаси маълумотларига кўра, бензин ишлаб чиқариш 2005 йилда 2004 йилдагига нисбатан 1,5 фоиз ўсган ва 1,394 млн. тоннани ташкил қилган, дизел ёнилғиси ишлаб чиқариш 7,6 фоиз қисқариб, 1,436 млн. тоннани, ёқиладиган мазут 19,6 фоиз қисқариб, 978,3 минг тоннани ташкил этган.

***"Туркистон-пресс" НАА.***

## «Banklararo maslahat xizmati» компанияси томонидан 2006 йил 18 апрел ҳолатига ҳисобланган UZIBOR, UZIBID ва UZIAR

| Номи | 1 кун | | 1 ҳафта | | 1 ой | | 2 ой | | 3 ой | | 6 ой | | 9 ой | | 12 ой | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Offer | Bid | Offer | Bid | Offer | Bid | Offer | Bid | Offer | Bid | Offer | Bid | Offer | Bid | Offer | Bid |
| "Асака" банки | 8↓ | 6↑ | 9↓ | 7↓ | 10↓ | 9↑ | 12↑ | 10↑ | 12↓ | 10↑ | 12↓ | 10↑ | 12↓ | 11↑ | 12↓ | 11↑ |
| "Капиталбанк" | 11↑ | 9↓ | 14↓ | 12↓ | 15↓ | 13↓ | 15↓ | 14↓ | 16↓ | 15↓ | 16↓ | 15↓ | 17↓ | 16↓ | 17↓ | 17↑ |
| "Ғаллабанк" | 10↓ | 9↓ | 11↓ | 10↓ | 12↓ | 11↓ | 12↓ | 11↓ | 14↓ | 13↓ | 14↓ | 13,5↓ | 15↓ | 14↓ | 16↓ | 15↑ |
| "Ипак йўли" банки | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a |
| "Ипотека банк" | 12↑ | 10↑ | 14↓ | 12↓ | 16↑ | 14↑ | 16↓ | 14↑ | 17↑ | 15↑ | 18↑ | 16↑ | 18↑ | 16↑ | 18↓ | 16↑ |
| Халқ банки | 12↓ | 10↑ | 14↑ | 12↑ | 15↓ | 13↑ | 16↓ | 14↑ | 16↓ | 14↑ | 16↓ | 14↑ | 16↓ | 14↓ | 16↓ | 14↓ |
| ЎзР ТИФ МБ | 11,5↑ | 8,5↑ | 13,5↓ | 10,5↓ | 15↑ | 12↑ | 15,75↑ | 12,75↑ | 16↑ | 13↑ | 16,5↓ | 13,5↓ | 16,75↓ | 13,75↓ | 17,5↓ | 14,5↓ |
| "Пахта Банк" | 10↓ | 8↓ | 11↓ | 9↓ | 12↓ | 10↓ | 14↑ | 10↓ | 15↑ | 12↓ | 15↑ | 12↓ | 16↓ | 13↓ | 17↓ | 14↓ |
| "Равнакбанк" | 10↓ | 8,5↓ | 13,5↓ | 12,5↓ | 15↑ | 14↑ | 15↓ | 14,5↓ | 16↑ | 15↑ | 16,5↓ | 15,5↓ | 17↑ | 16↑ | 17,5↓ | 16↓ |
| "Трастбанк" | 10↑ | 7↓ | 13↑ | 8↓ | 15↑ | 8,5↓ | 15,5↑ | 9↓ | 16↑ | 10↓ | 17↑ | 11↓ | 18↑ | 12↓ | 18↑ | 13↓ |
| Ў-Т банк | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a | n/a |
| "Ўзсаноаткурилишбанк" | 12↑ | 9↑ | 14↑ | 11↑ | 16↑ | 13↑ | 16↑ | 13↑ | 16↓ | 13↓ | 17↑ | 14↑ | 17↓ | 14↑ | 18↑ | 15↑ |
| UZIBOR | 10,63↓ | | 13,5↓ | | 15↑ | | 15,31↓ | | 16↑ | | 16,25↓ | | 16,69↑ | | 17,25↓ | |
| UZIBID | 8,75↓ | | 10,88↑ | | 12,25↑ | | 12,69↑ | | 13,25↓ | | 13,75↓ | | 13,94↓ | | 14,63↓ | |
| UZIAR | 9,69↓ | | 12,19↑ | | 13,63↑ | | 14,00↓ | | 14,63↑ | | 15,00↓ | | 15,31↓ | | 15,94↓ | |

**Offer — сотиш; Bid — харид қилиш**

# ФОНД БОЗОРЛАРИ 20,9 МЛРД. АҚШ ДОЛЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТДИ

***Ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Россиянинг фонд бозорлари шу йилнинг 11 ҳафтасида бутун ўтган йилдагига қараганда кўпроқ маблағ жалб этди, деб хабар қилади Emerging Portfolio Fund Research тадқиқот компанияси. Ҳозир ушбу бозорлардаги йирик акция эгалари янги ютуқларни кутиб ўтирмасдан, фойдани қайд этишни маъқул кўришмоқда.***

2006 йил бошидан бери иқтисоди ривожланиб бораётган мамлакатларнинг инвестиция фондлари (emerging markets) 20,9 млрд. АҚШ долларини жалб этди. Биргина март ойининг биринчи ҳафтасида инвестиция фондларига тушган маблағлар 910 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ҳолбуки, ўтган йил якунларига кўра фонд бозорлари ҳаммаси бўлиб 20,3 млрд. АҚШ долларини жалб этган эди, деб хабар қилади Emerging Portfolio Fund Research. Шундай қилиб, ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Россиянинг фонд бозорлари шу йилнинг 11 ҳафтасида бутун ўтган йилдагига қараганда кўпроқ маблағ жалб этган. Россия фондлари жорий йилнинг икки ойида 1 млрд. АҚШ долларига яқин маблағ жалб этган.

Иқтисодиёти ривожланиб бораётган мамлакатларнинг MSCI Emerging Markets ҳисоб-китобларига киритилган 26 та молия бозоридан 16 таси 2005 йилнинг тўртинчи чорагида рекорд кўрсаткичларни қўлга киритди. Emerging Portfolio Fund Research етакчилари жумласига Россия, Ҳиндистон, Бразилия ва ЖАР бозорлари киради. Шарқий Европа мамлакатларига нисбатан Россия энг жадал ўсишга эришди. Молия секторида Россия компаниялари акцияларининг, шу жумладан Сбербанк ва нефт компанияларининг акциялари қадри анча ошди. Улар орасида "ЛУКойл" ОАЖ етакчилик қилмоқда, - дейилади тадқиқотда.

2006 йил бошидан бери MSCI Emerging Markets индекси 7,8 фоиз ўсиб, 2 мартгача 791,85 банд миқдорида рекорд максимумга етди.

Шу йил бошида бозорларнинг бундай жўшқин ўсишини экспертлар иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ошиб бораётганлиги ва хом ашё тармоғида нархлар кўтарилганлиги билан изоҳламоқдалар. Айнан мана шу ҳол инвесторларни жалб этди, деб ҳисоблашмоқда чет эллик таҳлилчилар.

"Иқтисодиёти ривожланиб бораётган мамлакатларнинг бозорларида кутилмаганда жуда катта ўсиш кузатилди. Буни тоғ-кон саноатининг юксалиши келтириб чиқарди", - деган сўзлар билан изоҳлади бозорларнинг ўсиш сабабларидан бирини Gartmore Investment Management компаниясининг вакили Филип Эрманн.

"Цюрих" инвестиция компанияси таҳлил бўлими бошлиғи Николай Подлевскихнинг фикрича, ривожланаётган бозорлар ўсишининг яна бир омили бу бозорларга қизиқиш билан қаралаётганлигидан иборат бўлиши мумкин.

"Талаб тўлқини ҳаддан ташқари кўтарилмаса эди, бундай юксалиш бўлмасди. Бу ўринда ўзини-ўзи қўллаб-кувватлайдиган харид ўз кучини кўрсатди. Акциялар нархи бир йилда деярли икки баравар ошганида ўсишнинг ўзи харид қилишга ундовчи асосий омил бўлди. Шу сабабли инвесторлар Россия, Бразилия, Миср ва бозорлари ўсиб бораётган бошқа мамлакатларнинг қимматлашиб бораётган акцияларини сотиб олишга ҳаракат қилдилар", - деб таъкидлайди Подлевских. Айни вақтда, охирги икки ҳафта мобайнида кўпчилик ривожланиб бораётган мамлакатларнинг савдо майдончаларида сезиларли пасайиш кузатилмоқда. 10 март куни тугалланган ҳафта якунларига кўра, MSCI Emerging Markets индекси 4,1 фоиз пасайди. Иқтисодчилар бу ҳол АҚШ, Европа ва Японияда базавий фоиз ставкаси даражасининг ошиши қарз маблағлар баҳосининг ўсишига олиб келади ва иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларнинг қимматли қоғозларига маблағ сарфлашни анча хатарли қилиб қўяди, деган хавфсирашлар туфайли юз берди, деб ҳисобламоқдалар.

***Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.***

